



# MOTURIDIYLIK

الماطريديّة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

---

Narsalarning asl mohiyatini  
bilibishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.

---



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Сайд ДАМАНҲУРИЙ  
(احمد سعید الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД (ناظر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар маъмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўймитасининг 2023 йил 7 мартаға  
03-07/1503-сонли хуносаси асосида  
тайёрланди.

## МУНДАРИЖА

- Nigora Yusupova. Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари ..... 3
- Shoislom Akmalov. Янги Ўзбекистон маърифий такомилда илмий марказларнинг ўрни ..... 12
- Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov. “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари ..... 19
- Nematulla Nasrullahayev. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзих” асари манбалари хақида ..... 29
- Muhabbatkhan Agzamova. “Тарих ар-Русул вал-мулук” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши ..... 41
- Nigora Khakimova. “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг кўлланилиши ..... 48
- Bakhodir Daminov. Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили ..... 55
- Bakhodir Pirmukhamedov. Махмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси ..... 65
- Akhmadkhan Alimov. Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига кўшган ҳиссаси ..... 72
- Abdulaziz Yakhshilikov. Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқик этишининг назарий масалалари ..... 83
- Ikhtiyor Abdurahmonov. “Шарҳ ат-Таъвилот” асари кўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи ..... 91
- Mamurjon Erkayev. Ижара ақди билан boglik оялгар таҳлили ..... 98
- Nodir Shomirzayev. Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи ..... 107
- Ulugbek Jorayev. Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили ..... 118
- Jasurbek Abduqodirov. The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan ..... 124
- Pirnazar Rajapov. Saljuqiyalar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157) ..... 130
- Абу Мансур Мотуридий  
(тарихий романдан парча) ..... 140

**Muhabbatkhon M. AGZAMOVA,**  
*Senior lecturer of the International Islamic  
Academy of Uzbekistan, (PhD).*  
*11, A.Kadiri str. 100011,  
Tashkent, Uzbekistan.*  
*E-mail: [ag.muhabbat@mail.ru](mailto:ag.muhabbat@mail.ru)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/5

**“ТАРИХ АР-РУСУЛ ВАЛ-МУЛУК”  
АСАРИДА ИСЛОМ МАНБАЛАРИ  
АСОСИДАГИ РИВОЯТЛАРНИНГ  
БАЁН ЭТИЛИШИ**

**EXPLANATION OF NARRATIVES BASED  
ON ISLAMIC SOURCES IN THE WORK  
“TARIH AR-RUSUL WAL-MULUK”**

**ОПИСАНИЕ ПОВЕСТВОВАНИЙ НА  
ОСНОВЕ ИСЛАМСКИХ ИСТОЧНИКОВ  
В ПРОИЗВЕДЕНИИ “ТАРИХ АР-РУСУЛ  
ВАЛЬ-МУЛУК”**

**КИРИШ**

Хижрый II асрда ислом тарихнавислиги маълум бир давр ўзини тўлдириш жараёнини ўтказиб, аввалги ёзма-оғзаки манбалар ва ҳадис илмининг тараққий этиши билан тадрижий ривожланди. Турли ислом илмларининг шаклланishi ва унинг таъсирида юзага келган асарлар, ислом тарихи ҳамда анъаналарининг ривожланиши ислом тарихнавислигининг шаклланishiда муҳим ҳисобланниб, диний-ижтиомий жараёнлар билан узвий равишда тараққий этди. Айни шу жараёнларда ислом тарихчилари томонидан берилган маълумотлар ишончли манба сифатида қаралиб, бунга асосий сабаб сифатида тарихий воқеалар ривоятга таянган ҳолда баён этилгандиги ва турли ровийлар томонидан ривоят қилингандиги соҳа мутахассислари томонидан ўзига хос услуб ва ёндашувлар ишлаб чиқилгандиги билан ажralиб туради

Илжизи тарихий асарлар араб тилида хижрый Шаарда ёзилган бўлиб, улардан Балазурийнинг (ваф. 279/892) “Китоб футух ал-булдон” асари, Яъкубийнинг (ваф. 292/904) “Тарих ал-Яъкубий” асарларини келтириб ўтишимиз мумкин. Хижрый IV аср ислом тарихшунослигининг камолот даври ҳисобланади. Бу даврнинг энг машҳур тарихчиси Мухаммад ибн Жарир Табарий ҳисобланади.

Табарий “Тарих ар-руслул вал-мулук” асарида Аббосийларнинг дастлабки даврига кадар тарихий жараёнларни баён этиб, муаррих Балазурийнинг “Футух ал-булдон” ва Яъкубийнинг “Тарих ал-Яъкубий” китобларида келтирилган ривоятлардан кенг фойдаланган.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Табарий асарларини ўрганиш орқали биз алломанинг қарашлари ва услубларини ўрганиш имконига эга бўламиз. Табарий “Тарих ар-руслул вал-мулук” мукаддимасида “асарни таълиф кишида асосан тарихий воқеаларни ровийлардан келган хабар ва маълумотлар тарзида тақдим этгани, жуда кам жойларда ҳолосалар келтиргани, бунга сабаб ўтмишда бўлган воқеаларга гувоҳлик берса олмаслиги ва ровийлар орқали етказилгани ва аҳамияти нуқтаи назаридан кам эътибори тарихий воқеаларга унчалик кўп тўхтамагани, ровийлардан келган хабарларни ўзига келтганидек тақдим этгани” хакида тўхталиб ўтади (Табарий, 1967:7-8).

Асарда муаллиф аксарият хабарларни ровийларга таянган ҳолда баён этиб, улар қандай ҳолатда бўлса, шундай тақдим этган. Баъзи ўринларда “У мен эмаслигимни ва буни фақат мен етказаётганимни эслатишни истадим” каби ибораларни кўллаб, ўзи тўгри топган маълумотлар билан бирга, воқеалар баёнига оид материалларни таҳлил этишини ўқувчига колдирган.

Алломанинг юкорида келтирилган фикридан ҳам кўриниб турнибди, тарихий воқеаларга оид материалларни муҳокама мавзусига айлантирмасадан, тўғридан-тўғри узатиш тамойилини кўллаган. Ўша даврдаги тарихий воқеаларни баён этиш хусусиятлари иккى принцип, яъни тарихий воқеага шоҳид бўлиш ва ундан маълумотларни тақдим этиш ёки ровийлар орқали берилган хабарларни етказиш услубида бўлган.

Табарийнинг тарихий воқеаларни баён этиш усули ҳадисшуносар үсулига хос бўлиб, бу икки соҳанинг ўхшаш жиҳати, маълумотларни узатишда ривоят асосида баён этиши орқали бўлиб, тарих соҳасида ривоятлар баёнида йилга доир маълумотлар муҳим аҳамият касб этади (Шокир Мустафо, 1983:257). Табарий асарнинг мукаддима кисмидаги маълумотларнинг тўғрилиги ровийларнинг ишончли эканлигига боғлиқ эканлигини айтib ўтади. Шунингдек, ҳар бир муҳим воқеа гувоҳ бўлган одамлардан

**Аннотация.** Ислом тарихчилари илк даврларда тарихий жараёнларни ривоят асосида тақдим этиши усулидан фойдаланишган бўлиб, ўрта асрларда битигланган ислом тарихининг салмоқли қисми шу услубда ёзилган. Ҳижрий III–IV аср оралигидо яшаган Ибн Жарир Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асари ислом тарихига оид тадқиқотларда энг кўп мурожасат қилинган асосий манబалардан ҳисобланаб, ҳижрий 302 йилга қадар инсоният тарихига ҳақида кўплаб ровийларнинг ривоятларини ўзида мұжассам этган. Шу сабабдан, III–IX асрда ёзилган тарихга оид нодир манба бўлиб ҳизмат қылғиб келмоқда. Табарийки “Тарих ар-русул вал-мулук” асари бу услубнинг энг яхши наимунаси ҳисобланади. Ҳадис ривоятларидағи ровийлар сисилиса қўчичилик тарихчиларнинг ривоят сисилисаига ўз таъсирини кўрсатади. Маколада Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асари кўяллаган ривоят услуби таъсил этишил, тарихий воқеаларга тегишили батофси ривоятлардан кенг фойдаланилганда кейинги даврда ёзилган асарларга бирлашиб манба сифатида ҳизмат қылғани очиб берилган. Табарий арабларнинг исломдан олдинги даврига тегишили кўплаб оғзаки ривоятларни ўйқолиб кетишидан сақлаб қолиб, уларни ёзиб олган Ҳусусан, Маданий ва Абу Мехнаф каби тарихчиларнинг асарларидаги ҳозирги кунгача етеп келмаган ривоятларни Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” асарида учратишимиш мумкин. “Тарих ар-русул вал-мулук” асари ҳар бир тарихий ривоятнинг түшінісига ишоралашып, ровийлар жаңакириш қолди. Құръони каримда көлган аятлар асосида хронологик тартибда етказган. Араблардаги таржоқ оғзаки ва ёзма маълумотларни тизимлаштыриши орқали, кенг қарроғи, кўплаб ҳалқар ғаззатлар тарихи, ислом тарихига оид асар оғзаки ва ёзма манбаларни бир жойга тұмпласан ҳолда тарихий кетма-кетликда баён этилгани таъсил этилган.

**Калит сўзлар:** Ислом тарихи, муаррих, ривоят, ғафқ, манба, илм, муфассал, сийра.

**Abstract.** In the early years, Islamic historians used the narrative-based method of presenting historical processes, and most parts of Islamic history written in the Islamic world during the Middle Ages were written in this style. The work “*Tarikh ar-rusul wal-muluk*” by Ibn Jarir Tabari, who lived between the 3rd and 4th centuries of the Hijri, is considered one of the main sources used in the study of the history of Islam, and it contains the narrations of all the narrators about the history of mankind until 302 AH. For this reason, it serves as a rare source of history written in the III/IX century. Naturally, the work “*Tarikh ar-rusul wal-muluk*” is the best example of this style. The chain of narrators in hadith narrations influenced the chain of narration of most historians.

The article analyzes the narrating method used in Tabari’s work “*Tarikh ar-rusul wal-muluk*” and reveals that the extensive use of detailed narrations related to historical events served as a primary source for the works written in the later period. Tabari recorded many oral traditions of the pre-Islamic period of the Arabs and preserved them from being lost. In particular, we can find narrations of historians such as Madaini and Abu Mihnaf that have not reached the present day in Tabari’s “*Tarikh ar-rusul wal-muluk*”. The work “*Tarikh ar-rusul wal-muluk*” presented each historical narrative in its entirety and preserved the chain of narrators, in chronological order based on the verses of the Qur'an. It is analyzed that By systematizing the scattered oral and written information in the Arabs, a comprehensive history of many nations and peoples is presented in a historical sequence bringing together oral and written sources on the history of Islam.

**Keywords:** Islamic history, muarrikh, narration, faqih, source, knowledge, musassal, seerah.

**Аннотация.** В первые века исламские историки использовали метод представления исторических процессов на основе повествования, и значительная часть исламской истории в средние века, была написана в этом стиле. Труд Ибн Джарира Табари “Тарих ар-русул вал-мулук”, жившего между III и IV веками хиджры, считается одним из основных источников, используемых при изучении истории ислама. Он содержит рассказы об истории человечества до 302 г. хиджры. В этой связи он служит уникальным источником истории, написанной в III/IX веке. Естественно, произведение “Тарих ар-русул вал-мулук” является лучшим примером этого стиля. Цепочка рассказчиков в рассказах хадисов повлияла на весь рассказов большинства историков. В статье анализируется метод повествования, использованный в произведении Табари “Тарих ар-русул вал-мулук”, и выявляется, что широкое использование подробных повествований, связанных с историческими событиями, послужило первоисточником для произведений, написанных в более поздний период. Табари сохранил и записал многие устные традиции доисламской эпохи арабов от утраты. В частности, мы можем найти рассказы таких историков, как Мадани и Абу Мехнаф, которые не дошли до наших дней, в “Тарих ар-русул вал-мулук” Табари. В произведении “Тарих ар-русул вал-мулук” каждое историческое повествование представлено целиком и сохранена цепочка в хронологическом порядке на основе аятов Корана. Путем систематизации разрозненных устных и передатчиков письменных сведений у арабов проанализировано, что всеобъемлющая, всесторонняя история многих народов и народов, история ислама представлена в исторической последовательности путем собирания воедино устных и письменных источников.

**Ключевые слова:** История ислама, муаррих, повествование, факих, источник, знание, муфассал, сияр.

## МУХОКАМА

мълумотларни олишга ҳаракат килади. Бир неча ўйл билан келган иснодлар занжирини барчасини етказишига ҳаракат килади. Шу оркали воеалар тўгрисида кўпроқ мълумот олиш имконияти борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Асар ёзилган даврда илм нуфузи жамиятда ҳадислар қанчалик ўрганилгани билан боғлик бўлиб, кундалик ҳётда ҳам ҳадислардан кенг фойдаланилган. Табарийнинг яна асарда ҳадислардан кенг фойдаланишига таъсир килган жиҳати шундаки, ўша даврда соҳта ҳадислар ҳам омма орасида ёйилган бўлиб, аллома тарихий воеалар баёни оркали шубҳадан холи ҳадисларни саклаб колиш ва келгуси даврга етказишини, тўкима ва иллатли ҳадислар кенг тарқалишининг олдини олишини максад килган ҳолда, ўз асарини ёзган.

Табарий воеаларга хос ривоятларни тақдим этишида, бир ривояти иккинчи ривоятдан устун кўйиш холати камдан-кам холатларда учрайди. Воеа баёнида ўзига қадар этиб келган ривоятларни беришига ҳаракат килиб, бу услуб билан ушбу воеага хос кўплаб ривоятлар этиб келганини кўрсатишига ҳаракат килади. Табарий воеаларни ёзишида дунё яратилишидан бошлаб, кейин пайгамбарлар тарихи ва подшоҳликлар даврига, ундан сўнг, сосонийлар ва араблар тарихини 302/915 йилга қадар тарихий воеалар баёнини келтиради. Асардаги сўнгги тарихий ривоятларни мухтасар шаклда тушунтиришига ҳаракат килади.

Табарийнинг яна бир ҳусусияти шундаки, у ривоятларни хеч қандай ўзгаришсиз тақдим килади. Бу эса, алломанинг илмий ахлоқини кўрсатувчи омиллардан хисобланади. Аллома мълумотларни тақдим этишида исноддаги ривойларга эътиборни қартиб, ишончли ровийлардан мълумотларни олишда, ривоятларни эмас, кўпроқ уларни етказувчиларнинг ишончлилигини устун кўяди (Фуад Сезгин, 1991:519).

Шиа, рофизий, мұтазилий каби ўша даврда кенг таркалган адашган окимларнинг турли таъсиридан сакланган ҳолда тарихчи учун мұхим хисобланган ҳолислик тамоили асосида кўплаб ривоятларни келтиради. Келтирган ривоятларининг бирини иккичисидан устун кўймаган ҳолда тақдим этиб, хулоса чиқаришини ўкувчига колдиради. Алломанинг бу услуби ҳакида Шокир Мустафо қуйидаги фикрларни келтиради: “Табарий ўзининг таквоси ва имлага бўлган эътибори сабабли, бетарафлик ва қатъият асосида ислом тарихи ҳакидаги мълумотларни тақдим этади” (Шокир Мустафо, 1983:256).

Табарий ўз асарини тайёрлашда мълумотларни тафсир, сийрат китобларидан, ҳусусан, Ибн Исҳокнинг “Сийрат”, Ваҳб ибн Мунаббахнинг “Китоб ал-мутбадл” асаридан, форс тарихига оид тарихий мълумотларни Абдуллоҳ ибн Мукаффа ва Ҳишом Калбийларнинг асаридан кенг фойдаланиб тўплаган.

Табарий асарининг ўзгалижини шундаки, у янгиликларни қандай бўлса, сўзма-сўз ва мазмунан ўзгартирмаган ҳолда етказишига ҳаракат килади. Ўзи ёзмоқчи бўлган мавзуға оид барча ёзма ва оғзаки материалларни бир жойга жамлаб баён этишига уринган. Табарий ушбу ёндашувни бошка китобларни ёзишида ҳам кўллаган бўлиб, у янгиликларни тартибига солишида иккиси асосий нарсага эътибор караттган. Ҳусусан, мавжуд янгиликларни ўзаро узвий тарзда баён этиш ҳамда ўзи ёгаллаган мълумотлар билан бойитиш ва янги манбалар аҳамиятини оширишини максад килган.

Табарий бир мавзу ёки воеа ҳакида эшигтан ривоятларни хеч қандай ўзгартириш киритмай тақдим этиб, Ибн Шихоб Зухрий, Ибн Исҳок ва Али ибн Мухаммад Мадоиний каби ровийлар йўлуни тутади. Табарий келтирган ривоятларни баён килинишига кўра 3 та турга бўлиш мумкин:

Биринчиси – бу воеалар баёнида бир-бираiga мувоғин ривоятлар бўлиб, Ибн Шихоб Зухрий, Ибн Исҳок, Али ибн Мухаммад Мадоиний ва Абу Михнаф каби ровийларнинг бир мавзууда ёки биргаликда ёки кўшимча мълумотлар берилган ҳолдаги ривоятлари бўлиб, Табарий ушбу ривоятларни бир жойга жамлаб, ривоятни тўлик ҳолда, сўзларни ўзгартирмаган ҳолда баён килган. Мисол килиб қуйидаги ҳабарни олиш мумкин: “Ибн Ҳомид, Салама, Мухаммад ибн Исҳок, Зухрий, Алкама ибн Ваккос Лайсий, Саид ибн Мусаййб, Урва ибн Зубайр ва Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утайдиба Зухрий айтдилар: “Ҳар бир ровий бу ҳадисни бир кисмини баён қилди. Уларнинг баъзи воеалар ҳакидаги ривоятлари, бошқаларига караганда яхшиrok эслаб колинган эди. Улар менга айтганларни сиз учун кигиб олдим” (Табарий, 1967:611). Кўриб турганимиздек, бир мавзудаги барча ҳадислар ровийларини тўплаган ҳолда бир ровий занжирига жамлаган ҳолда ривоятни келтирган. Бундай ёндашувни кўллашига сабаб сифатида бир ровий бошка ровийга нисбатан ривоятни тўликрок ёки бошка жиҳатларини ёритиш оркали етказганини кўрсатишига ҳаракат килади.

Иккинчи тур – баҳсلى ривоятлар орасындағи тартиб бўлиб, Табарий бир-бирини тўлдириувчи ривоятларни биргалиқда келтиришга қанчалик уринган бўлса, бир-бирига зид ривоятларни ҳам бирга беришига ҳаракат қилди. Бу ривоятлардаги зидлик гоҳида саналарни беришда, баъзан ҳабарларга оид, баъзан бутун бир мавзуга тааллукли бўлиб, муаллиф бу каби холатларни ҳар бир ровийнинг ушбу холатга караши сифатида изоҳлаиди. Бунга Табарийнинг Аллоҳтаолодунёни яратиши бошлаган кун ҳақидаги мунозарали ҳабарларни келтирганини олсак, дунёнинг яратиши билан бөглиқ ким бу борада қандай фикрда эканини далиллар билан тушунтиришга ҳаракат килган (Табарий, 1967:44). Яна Одам Ато ва Момо Ҳаввонининг ўзларидан аввал вафот этган фарзандлари бўлган ёки бўймаганлиги ҳақидаги қарама-карши ҳабарларни биринкетин келтириди (Табарий, 1967:150). Шу билан бирга, баъзи ўринларда қадим тарихга оид баъзи маълумотларни тақдим этишда эхтиёткорлик килиб: “Уларни барчасини етказишга ҳаракат килсан, китобда кўп жой эгаллагани учун бу ҳақда бошка тўхтамоқни эмасмиз”, деб изоҳ келтириди (Табарий, 1967:146).

Асарда дунёнинг яратишини ва Одам алайхиссаломининг ерга туширилиши ҳақида турли ривоятларни келтириди. Бу ривоятлар келтириш билан бирга бу маълумотлар кимга тегишли эканини ҳам келтириб ўтади. Масалан, Ибн Аббосдан келтирган ривоятга асосланиб, дунё яратилганига 7000 йил бўлганини айтади. Шунингдек, яхудий, насроний, мажусий ва ислом уламоларининг фикрларини қўйидагича қайд килиди: “Ахли китобдан бўлган яхудий пайтамбарлар умри ва мавжуд маълумотларга асосланиб, бу давр 4642 йилу бир неча ой деб изоҳланди. Христианлар ва Юнон тарихчилари маълумотига кўра, бу давр 5992 йил ва бир неча ой деб даъво килинди. Форс мажусийлари эса, бу даврни 4182 йил, 10 ой 19 кун деган фикр келтирилди. Ислом уламолари фикрига кўра, Одам Ато алайхиссалом ва Нуҳ алайхиссалом ораларида ўн аср ўтган бўлиб, Нуҳ ва Иброҳим алайхиссалом ораларида яна ўн аср ўтди. Ҳар аср юз йилдан иборат” деган изоҳни келтириди (Табарий, 1967:234). Кўриниб турибдик, Табарий бир-бирига тўғри келмайдиган тўрт хил тарафнинг ривоятларини холис баён килиди.

Учинчى тур – низоли вазиятлар баёнида ҳар иккى тарафни воқеа ҳақидаги маълумотларини тўғридан-тўғри бериш. Табарий бунда ҳар иккى

тарафнинг ривоятларини келтириб, умумий хуносани ўкувчининг ўзига колдиради. Унинг фикрича, тарих фани ақлдан кўра, ривоятта таяниладиган илмидир. 61/681 йилда содир бўлган Карбало воқеаси ҳақидаги хабар Ҳусайн тарафидан (Табарий, 1967:407) ва унинг кўшини Умар ибн Саъд амр килган Язид тарафининг ривоятини (Табарий, 1967:423) ровийлардан келтириди.

Табарий воқеани ўзгувоҳларидан етказганини Ҳусайн ибн Алиниң ўлдирилиши ҳақидаги қўйидаги холатда ҳам қўришимиз мумкин: Абу Михнаф – Юсуф ибн Язид – Зубайр ибн Абу Аннос ривоят сўнгиди “Сен буни кўрдингми?” – дей сўраганида у “кўзим кўрди, кулогим эшитди” деб жавоб беради (Табарий, 1967:431). Табарий воқеалар баёнида бу маълумотларни ҳам келтириб ўтиб, бу гувоҳлар томонидан олинган маълумот эканига ишора килиди.

Табарий асарида сиёсий воқеаларни ёритишига кўпроқ эътибор қаратади. Бу ҳақда Ирок тарихчиси Жавод Алий алломанинг бу услубини қўйидагича изоҳлаиди: “Умумий тарихни ёзадиган кўплаб тарихчилар сингари Табарий ҳам бутун эътиборни сиёсий тарихга қаратади. Бунга ўзи яшаган давр руҳи таъсир кўрсатган. Табарий тарихшуносликка хос қарашлар, араблар ва ажамлар хусусан, христиан динига оид маълумотлардан кенг фойдаланган. Хусусан, христиан динига оид маълумотлар айникса, ўтра асрларда жаҳон сиёсатини бошқаришда муҳим жиҳатларини ёритишида кенг фойдаланилган. Халифалар, шоҳлар ва сultonлар халқ устидан бошқарув ягона мафкура асосида бўлиб, XVIII асрдан бошлаб жамоатчилик фикри эътибор қаратилган” (Жавод Алий, 1950:175–176). Демак, Табарий ҳам ўша давр хусусиятидан келиб чиқиб, сиёсий қарашларнинг устуворлигига караб маълумотларни бериб борган.

Тадқиқотчи Шокир Мустафо Табарийнинг қўйидаги усулларини камчилик сифатида санаф ўтади (Шокир Мустафо, 1983, 260–261):

– танқиддингиз заифлиги – муаллиф воқеалар ва ривоятларга ўз муносабатини билдиримайди ва китоб бошидан масъулиятни ровийларга юклайди.

– муаллиф ровийлардан иктибос келтирганда, кайси китобдан маълумотларни олганини келтирмайди. Масалан: Табарий Абул Ҳасан Али ибн Мухаммад ибн Абдуллоҳ Мадоннийдан (ваф. 228/843) кўплаб маълумотлар келтириди. Лекин бу маълумотлар унинг кайси китоби асосида эканини келтирмайди.

- аллома ўз даврига оид тарихий вөкөлар байнига кўп хам ургу бермай қисқа мухтасар тарзда баён килади.

- унинг асарида исломдан аввалги ва исломдан кейинги даврга оид маълумотлар хажм нутқтан назаридан турлича бўлиб, дунёнинг яратилиши ва пайгарбарлар тарихи баёнида истроилиётдаги айрим саҳифа бўлмаган хабарлардан фойдаланган келтиради.

“Истроилиёт” сўзи, яхудийлардан ривоят килинган маълумотларни билдируса хам, биз бу ерда умумийрок маънода, яъни яхудий ва насронийлардан келган (ривоят килинган) ривоятлар назарда тутилади. Чунки Исломнинг аввалида яхудийлар хам, насронийлар хам мусулмонлар билан доим бирга араласиб яшаганлар, дунёнинг тури чеккаларидан гурух-гурӯх бўлиб, Мадинага келиб исломни қабул қилганлар. Ҳар иккى дин ахларининг хам алоҳида диний маданиятлари мавжуд бўлиб, Тавротдаги қадимига пайтамбарларнинг тарихи Кўръонда баён этилган Одам алайхиссалом киссаси, Мусо алайхиссалом билан қавмига тегишли накллар, Исо алайхиссалом ва Марям ҳакидаги ривоятлар хамда ўтган пайтамбарлар тарихи ибрат учун баён этилган.

## НАТИЖА

Табарий “Тарих ар-руслул вал-мулук” асарида бевосита ривоят килган ровийларининг асосий кисми ишончли ровий сифатида эътироф этилади. Асарда келтирилган сийратга тегишли ривоятлари ҳадис илмининг бир бўлғи ҳисобланган “жарх ва тайдит” илмига тегишли кўплаб маълумотларни тақдим килади. Табарий тарихининг сийрат бўлимида келган ривоятлар асосан Ибн Исҳокнинг “Китоб ал-магозий” асарида келган маълумотларни бериш билан бирга вөкөага гувоҳ бўлган ровийлардан ривоятлар накл килади. Юкорида келтирилган ровийларнинг вафот этган йиллари 248/862 йилдан 260/873 йиллар оралигига бўлиб, Табарий асосан ёши улут, тарихий маълумотларни асл манбаига яқин шахслардан тўғридан-тўғри олишга ҳаракат килган.

Табарий илмий фаолиятини ҳадис илмидан бошлаган мухаддис бўлиб, тарихий ривоятларни тўплаш, таҳлил килишида мухаддислар усулига таянган холда тарихий вөкөларни баён килган. Мухаммад Фатҳ Усмон Табарий тарихи ҳакида кўйидаги фикрларни билдиради: “Табарий тарих

майдонига тафсир ва ҳадис эшиклари орқали киргани сабабли тарихий вөкөаларни ровийлар орқали баён килади” (Мухаммад Фатҳ Усмон, 1412:167). Табарий “Ихтилоф ал-фукаҳо” асарида ровийлар занжирини тўлиқ холда келтириб ўтгандиги сабабли, “Тарих ар-руслул вал-мулук” асарида баъзи ўринларда бу услубни кўлламаган. Бунга сабаб, аллома ровийлар силсиласидан хабардор, лекин “Тарих ар-руслул вал-мулук” асарининг асосий вазифаси вөкөлар баёнини келтиришини асосий максад қилиб белгилаган.

Олим ҳадис илмини мукаммал ўргангани сабабли, тарихий жараёнлар баёнида хам ҳадислардан кенг истифода этганини кўрамиз. Баъзи тарихий жараёнлар оғзаки накл орқали етиб келган маълумотлар асосида ва таянилган манбаси кўреатилмаган холда баён этилади. Тарихий жараёнлар баёнида оғзаки накл ривоятларга таяниб, ровийлар силсиласини тўлиқ баёнда келтиримай, баъзи ўринларда “буни ҳамма яхши билади” каби иборалар билан маълумотлар келтирилган. Ўша давр анъана сига мувофиқ, вөкөлар гувоҳи бўлган кишилар томонидан ривоят килиниб, ровийлар занжири орқали кейинги авлодга маълумотлар етказилган. Асарда “биз шунчаки бизга берилган маълумотлар асосида хабар бердик” каби ибораларни кўллаб, китобни ўқиган ўқувчи қўшимча маълумотларга эга бўлса, муаллифда вөкөага оид бирор маълумот кетмaganини, ўзи билган барча маълумотларни баён этганини китобида келтириб ўтади (Табарий, 1967:11).

Аллома тарихий материалларни эҳтиёткорлик билан беришга, ақлий далилларга эмас, кўпроқ ровийлар ривоятига таяниб маълумотлар берган. Баъзи ўринларда бир канча материаллар келтирилиб, ўзи кай бирини қувватлабини келтириб ўтади. Бунга мисол тарикаснда, Иброҳим (а.с.)нинг кайси ўтлени сўйини буюртганлиги тўгрисида тарихий материалларни келтириб, маълумотлар охирида ўз фикрини ҳам айтади (Табарий, 1967:175).

Асарни ёзиш жараённида тарихий жараёнларга оид ўзининг маълумотлари бўлишига қарамай, ўша даврда яшаган одамлардан барча ривоятларни йигиб, ўз асарига жамлади. Асарда материалларни бирин-кетин тақдим этиб, баъзи ўринларда материалларни қай бири тўгрисидаги ўз қарашини ҳар доим ҳам билдириб кетмаган.

Табарий ривоятларни келтиришда энг кўп ишлатган сўз бу “хаддасано” ва “хадасаний”

сўзлари бўлиб, бу сўзларни кўлланилиши ривоятларни баёнида алоҳида ахамият касб этган. Масалан, Ибн Мусаннадан Мухаммад (с.а.в.) нинг исмларини тавсифловчи икки ривояти келтиради (Табарий, 1967:178). Биринчисида “хаддасаний” (у менга айтди), иккинчисида “хаддасано” (у бизга айтди) сўзини кўллаган бўлиб, бу икки хабарни ўзига хослигини ифода килмоқчи бўлади. Биринчи ифодага кўра, ёглиз ўзи хабарни олганига, иккинчи ифодага кўра, у билан бирга яна бошқалар ҳам борлигига ишора килади.

Табарий Ҳишомдан ривоят этганда “худасту”, “кола”, “закара” каби ибораларни кўллаган бўлса-да, Ибн Ҳишом 218/833 йилда Табарий тугилишидан 20 йил аввал вафот этгани сабабли унинг китобларидан фойдаланганини кўрсатади. Бундан ташқари Табарий Вокидий, Ҳайсам ибн Адий ва Сайф ибн Умар асарларидан ҳам ривоятлар келтирган бўлиб, бу асарлар бизнинг даврага қадар этиб келмаган.

Ҳар бир усулнинг мактovга лойик жиҳати билан бирга камчиликлари ва нокис томонлари ҳам бўлиши табиий. Асарда кўлланилган услубларда даврнинг ҳам таъсири сезилиб туради. Табарий бирор асардан маълумот келтирас экан, факат муаллиф билан кифояланиб, асар номини келтирмайди. Бу ҳолатда келтирилган муаллифнинг асари кўп бўлгани учун ўқувчи унинг қайси асарига ишора қилинганини аниқлашда кийналади, баъзида бу номаъумлумлигича қолади. Масалан, у Мадонинийдан кўп ривоятлар келтирган. Ибн Надимнинг ёзишича, Мадонинийнинг 240 та китоби мавжуд бўлиб (Багдодий, 1978:113), унинг қайси асари асосида ёзганини аниқлаш мушкул. Сайф ибн Умардан ҳам кўп ривоятлар келтирган бўлиб, унинг “ал-Футух”, “ар-Ридда” ва “Мавжат ал-жамал” номли асарлари бор (Багдодий, 1978:106). Сайф ибн Умардан келган ривоятлар юкоридаги асарларидан олингандиги ёки бошка асарларидан келтирилганлиги аниқ эмас. Агар Табарий асарнинг номини ҳам келтирганида, соҳага оид илмий изланувчиларга кўп фойдали бўлиб, дастлабки манба ҳакида ҳам маълумот олишга имкон юратган бўларди.

Баъзи ўринларда тарихий воеалар баёнида узун хикоя килишдан кочиб, киска тарзда баён этиб ўтган. Масалан, асарда Абу Зарр Жаъфар ва Муовия ибн Абу Суфён орасидаги ихтилоф баёнида, Абу Заррни гамдан Мадинага сургун килишга оид тарихи маълумотларни келтирища

“Абу Заррнинг сургун қилиниши тўғрисида кўплаб ривоятлар мавжуд бўлиб, ўз услубимга қарши чиқиб, бу масалани ёритиб ўтишини ўринли хисобламайман”, деб киска баён килади (Табарий, 1967:191).

Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг қамал қилинishi ҳакида кўплаб ривоятларни келтирганидан сўн, “Вокидий ушбу воеа ҳакида кўплаб ривоятлар таркатди, мен улардан баъзилари ҳакида юкорида айтиб ўтдим” деб, ушбу тарихий жараён ҳакида кўплаб ривоятлардан баъзиларни келтирганини эътироф этган (Табарий, 1967:241). Аллома ўзи билган маълумотлар ва ривоятлар асосида келган маълумотларни бир вактда ифода этиши кўпинча баён этилаётган тарихий воееани кенг камровли ва батағсил ёритишига таъсир килган. Воеаларнинг камдан-кам ҳолатларда киска тарзда баён этганини қўришимиз мумкин.

Асарнинг баъзи ўринларида ривоятларни ўқувчи томонидан кабул килишида эътироэли ҳолатлар мавжудлигини инобатта олиб, ушбу ривоятларни келтирганларни айтади. Ҳусусан, Мухаммад ибн Абу Бакр ва Муовия ибн Абу Суфён ўртасидаги ёзишмалар ҳакидағи ривоятларни келтириб ўтмаганини айтади (Табарий, 1967:378).

Табарий бир мавзуни ёритишида бир канча тарихий воеаларни эслаб ўтишга ҳаракат қилади. Масалан, Каъба қурилиши ҳакидағи маълумотларни келтирас экан, “Каъба қурилиши билан “Фижор уруши” орасида 15 йил, “Фижор уруши” ва “Фил воеаси” орасида эса 20 йил вакт бор эди”, деб ёзди (Табарий, 1967:290).

Табарий ривоятларни тақдим килишида аввало мавзу доирасидаги Қуръон оятларидан кенг фойдаланышга ҳаракат қилади. Асарда “вакт” тушунчаси ҳакида тўхталиб ўтиб, “Вакт бу кечга ва кундуздан иборат соатлар” деб изоҳлайди. Кечга ва кундузнинг соатлари күш ва ойнинг кўриниши билан бөглик жараён эканини Ёсин сурасининг 36 – 40 оятлари билан изоҳлайди (Шоқир Мустафо, 1967:20).

Мавжуд ривоятлар орасида ўзи гувоҳ бўлмаган воеалар баёнида мавзуга оид материалларни олиш учун Қуръондаги маълумотларга мос келадиган ривоятларни мухим хисоблаган. Масалан, Табарий ўз асарида Одам Атонинг юратилиши, унинг табииати, Момо Ҳавво билан жаннатдан ерга туширилиши, пайтамбар Юсуф алайҳиссалом киссанаси, Мусо алайҳиссалом киссалари ва бошка шунга ўхшаш масалалар баёнида Қуръон оятларига асосланган ривоятларга кўпроқ мурожаат килган.

## ХУЛОСА

Классик ислом тарихи манбаларининг тузилиши ва шаклланишида Табарийнинг хиссаси ва унинг услуби таъсир килганини кўришимиз мумкин. Чунки у ўзи топган ҳар бир ривоятни асарида келтириб, аммо унга муносабат билдиримаган. Вокеаларга доир ривоятларни бир жойга жамлаган холда ривоятлар комусини яратганни боис, алломанинг асари кейинги давр учун муҳим маъна сифатида эътироф этилган.

“Тарих ар-русул вал-мулук” номли тарих китобида искондлар силсиласи ровийлар маълумоти асосида тарихий жараёнлар ва воеалар келтирилиб, дастлабки ислом тарихи умумий таснифи сифатида эътироф этилади.

У тарихий жараёнларга оид ривоятларни бир жойга тўйлаш орқали тарихий комус яраттган. Бир тарихий воеага тегишли бир неча ривоятларни келтириб, уларнинг кай бири афзалиги ва тўғрироклиги хусусидаги ўз карашларини айтмайди.

Табарий ҳадис ва тарих ўртасидаги боғлиқ жihatларга эътибор беришга ҳаракат килган. Чунки ислом тарихи дастлаб мұхаддислар томонидан ёзилган бўлиб, тарих ва ҳадис ўртасида боғлиқлик санад орқали баён қилинганд. Табарий болалигидан ҳадис илмидан таълим олиб, бу илм унинг соҳада ўз ўрнини эгаллашга таъсир кўрсатди.

Тарихий ривоятларни ўзлаштирища искондан фойдаланиш вакт ўтиши билан заифлаша бошлаган, хатто Ибн Кутайба, Абу Ҳанифа Диноварий, Яъкубий каби баъзи тарихчилар томонидан деярли фойдаланилмай қолган. Бу усул Табарий томонидан қайта тикланган. Чунки Табарий ҳар бир воеанинг аслини ёзар экан, уни ўз гувоҳлиги ёки хеч бўлмагандага, узлуксиз ровийлар занжирни орқали олган замондошига нисбат бериш йўлини туттган.

Қадимги ҳалклар ва эзлатлар, пайғамбарлар тарихи хақида ўтмишда оғзаки манбаларга таянган холда ривоятлар авлоддан-авлодга етказилиб, кейинги даврларда ёзма манбалар шаклида тасниф этилган.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Табарий. (1967). Тарих ар-русул вал-мулук // I-XI. Муҳаммад Абуғазл Иброҳим таҳқики. Ж. 1. Коҳира: Дор ал-матрифат.
2. Табарий. (1967). Тарих ар-русул вал-мулук // I-XI. Муҳаммад Абуғазл Иброҳим таҳқики. Ж. 2. Коҳира: Дор ал-матрифат.
3. Табарий. (1967). Тарих ар-русул вал-мулук // I-XI. Муҳаммад Абуғазл Иброҳим таҳқики. Ж. 3. Коҳира: Дор ал-матрифат.
4. Табарий. (1967). Тарих ар-русул вал-мулук // I-XI. Муҳаммад Абуғазл Иброҳим таҳқики. Ж. 4. Коҳира: Дор ал-матрифат.
5. Табарий. (1967). Тарих ар-русул вал-мулук // I-XI. Муҳаммад Абуғазл Иброҳим таҳқики. Ж. 5. Коҳира: Дор ал-матрифат.
6. Абул Фараж Муҳаммад ибн Абу Яъкуб Ибн Исҳок Надим Варроғ Бағдодий. (1978). Ал-Фиҳрист фи ақбр ал-улема мусаннифин минал қудамайл ва ал-муҳадисийн ва асман кутубхим. Байрут: Дор ал-матрифат.
7. Жавод Алий. (1950). Маварид тарих ат-Табарий. Ж. 1. Бағдод: Маҗм‘а ал-ілмия.
8. Муҳаммад Фатх Усмон. (1412). Ал-Мадхал ила-тариҳи-л-Іслам. Дорун нағағис. Байрут (нашриёти кўрсатилмаган).
9. Фуад Сезгин. (1991). Тарих ат-туроҳ ал-арabi. Фаҳми Ҳижозий таржимаси. Ж. 1. Риәз: Жомия ал-ілмиам Муҳаммад ибн Сауд ал-Ісламия.
10. Шакир Мустафа. (1983). Ат-Тарих ал-арab ва ал-муаррихун. Ж. 1. Байрут: Дор ал-ілм лил-малайиин.

## REFERENCES

1. Tabari. (1967). Tarikh ar-rusul wal-muluk // I-XI. Research by Muhammad Abufazl Ibrahim. Vol. 1. Cairo: Dar al-marifat.
2. Tabari. (1967). Tarikh ar-rusul wal-muluk // I-XI. Research by Muhammad Abufazl Ibrahim. Vol. 2. Cairo: Dar al-marifat.
3. Tabari. (1967). Tarikh ar-rusul wal-muluk // I-XI. Research by Muhammad Abufazl Ibrahim. Vol. 3. Cairo: Dar al-marifat.
4. Tabari. (1967). Tarikh ar-rusul wal-muluk // I-XI. Research by Muhammad Abufazl Ibrahim. Vol. 4. Cairo: Dar al-marifat.
5. Tabari. (1967). Tarikh ar-rusul wal-muluk // I-XI. Research by Muhammad Abufazl Ibrahim. Vol. 5. Cairo: Dar al-marifat.
6. Abul Faraj Muhammad ibn Abu Yaqub ibn Ishaq Nadim Warraq Baghdadi. (1978). Al-Fihrist fi akhbar al-ulama musannifin minal qudamail wa al-muhadisiyun wa asmai kutubihim. Beirut: Dar al-Marifat.
7. Javad Ali. (1950). Mawarid tarikh at-Tabari. Vol. 1. Baghdad: Majm‘a al-ilmiya.
8. Muhammad Fath Uthman. (1412). Al-Madhal ila-tarihi-l-Islam. Dar an-Nafais. Beirut (unpublished).
9. Fuad Sezgin. (1991). Tarikh al-turos al-arabi. Translation by Fahmi Hijazi. Vol. 1. Riyaz: Jamia al-imam Muhammad ibn Saud al-Islamiya.
10. Shakir Mustafa. (1983). at-Tarikh al-arab wa al-muarrihun. Vol. 1. Beirut: Dar al-ilm lil-malayiin.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИННИГ  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-  
ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талаabalари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм

1/2023

Бош мұхаррір: Ж.Каримов

Мұхаррір: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидағы матнлар мұхарріри: О.Сотвоздиев

Дизайнер-сағиғаловчы: З.Үломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашириётнинг лицензия раками AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашириёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



# IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidiyjournal.uz](http://www.maturidiyjournal.uz)

+998971 244-35-36

@moturidiyuz

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

info@moturidiy.uz